

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.05/08.05.2024.Qx.42.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

МАТЁҚУБОВ СУХРОББЕК КЎПАЛОВИЧ

**ГЕНОТИПИ БОЙИТИЛГАН ҒЎЗА НАВЛАРИНИ ЯРАТИШДА
ИНТРОГРЕССИВ СЕЛЕКЦИЯ ВА ЦИТОГЕНЕТИК УСЛУБЛАРДАН
Фойдаланишнинг самарадорлиги**

**Қишлоқ хўжалик фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

ТОШКЕНТ – 2025

**Қишлоқ хўжалик фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) по
сельскохозяйственным наукам**

Contents of dissertation abstract of doctor (DSc) on agricultural sciences

Матякубов Сухроббек Кўпалович

Генотипи бойитилган ғўза навларини яратишда интрогрессив
селекция ва цитогенетик услублардан фойдаланишнинг
самарадорлиги.....3

Матякубов Сухроббек Купалович

Эффективность интрогрессивной селекции и цитогенетических
методов в создании сортов хлопчатника с
обогащённым генотипом.....27

Matyokubov Sukhrobbek Kopalovich

Effectiveness of introgressive breeding and cytogenetic methods in
creating cotton varieties with enriched genotypes52

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published papers.....57

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/08.05.2024.Qx.42.02 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

МАТЁҚУБОВ СУХРОББЕК КЎПАЛОВИЧ

**ГЕНОТИПИ БОЙИТИЛГАН ҒЎЗА НАВЛАРИНИ ЯРАТИШДА
ИНТРОГРЕССИВ СЕЛЕКЦИЯ ВА ЦИТОГЕНЕТИК УСЛУБЛАРДАН
Фойдаланишнинг самарадорлиги**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**Қишлоқ хўжалик фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2.DSc/Qx247 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаши веб-саҳифасида (www.psuyaiti.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Намазов Шадман Эргашович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар:

Набиев Сандғани Мухтарович
биология фанлари доктори, профессор

Аманов Бахтиёр Хушбакович
биология фанлари доктори, профессор

Айтжанов Бахытжон Узакбоевич
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, к.и.х.

Етақчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражаларни берувчи DSc.05/08.05.2024.Qx.42.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил 24 июль соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111218, Тошкент, Университет кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 150-62-78; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: rahta.uz@mail.ru; Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Бош биноси, 3-кават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти кутубхонасида танишиш мумкин (1352 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111218, Тошкент, Университет кўчаси, 1-уй, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг кутубхонаси. Тел.: (99897) 746-47-60.

Диссертация автореферати 2025 йил 11 июль куни тарқатилди.

(2025 йил 11 июлдаги 8- рақамли реестр баённомаси)



С.А.Раҳмонқулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
веб-саҳифасини бажарувчи, б.ф.д.,
профессор, ЎзРҚХА мухбир аъзоси

М.Б.Халикова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.х.ф.д., профессор

С.А.Раҳмонқулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор, ЎзРҚХА мухбир аъзоси

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда пахта етиштирувчи давлатларда мавжуд ғўза генофондидан фойдаланиш асосида пахтачиликни ривожлантириш, хусусан ҳосилдорликни ошириш ва тола сифатини яхшилашга доир илмий изланишлар долзарблигича қолмоқда. Пахтачилик консультатив комитети (ICAC) ташкилотининг маълумотига кўра, “дунё бўйича сўнгги ўн йилликда пахта толасини етиштириш ҳажми 4% га ошган бўлишига қарамасдан, тола ҳосилдорлиги 1% га камайган. Дунё бўйича Хитой 2135 кг/га., Австралия 2037 кг/га., Бразилия 1872 кг/га., Исроил 1809 кг/га., Туркия 1650 кг/га, Мексика 1616 кг/га. давлатлари юқори тола ҳосилдорлигига, Ўзбекистон эса, пахтачилик ривожланган давлатларга нисбатан қарийб икки баравар паст, яъни 655 кг/га тола ҳосилдорлигига эга”¹. “Тола етиштириш ҳажми дунё миқёсида ўртача 24,412 млн тонна га тенг бўлса, Хитой 5,977 млн тонна, Ҳиндистон 5,722 млн тонна, Бразилия 3,232 млн тонна, АҚШ 2,634 млн тонна, Австралия 1,250 млн тонна, Ўзбекистон етакчи давлатлар орасида 8-ўринни эгаллаб, 675 млн тонна тола етиштирган”². Ўзбекистон сўнгги йилларда пахта хом-ашёсини ишлаб чиқариш “2022 йилда 3500,7 минг тоннани, 2023 йилда 3710,3 минг тоннани, 2024 йилда эса 3500,0 минг тоннага етиб, пахта ҳосилдорлиги гектарига мос равишда 3,3 т/га, 3,6 т/га ва 3,47 т/га ни ташкил қилди”³. Бугунги кунда тола ҳосилдорлигини оширишда Республиканинг турли тупроқ-иқлим шароитига мос, ҳосилдор ва юқори тола чиқимиға навлар яратиш ва жорий этиш долзарб ҳисобланади.

Жаҳонда сўнгги йилларда истеъмолчилар сонининг ошиши, ишлаб чиқариш ва тўқимачилик саноати талабларининг кучайиши муносабати билан ғўза навларини яратишда ғўзанинг мавжуд ёввойи ва маданий турлари потенциалидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, интрогрессив дурагайлаш услуги орқали ғўзанинг генетик жиҳатдан бойитилган ноёб дурагайларини яратиш, ҳозирда ишлаб чиқаришда экилаётган навларга нисбатан асосий хўжалик белгилари бўйича устун бўлган янги навларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ғўза навлари селекцияси бўйича ўтказилган изланишлар натижасида катта ютуқларга эришилганига қарамасдан, пахта толасига бўлган эҳтиёж тўлиқ қамраб олинмаган. Бунга асосий сабаб, ғўза генофондидаги юқори тола чиқимиға эга намуналарни селекцияга жалб этиш қониқарсизлиги натижасида янги яратилаётган ва жорий этилаётган аксарият ғўза навларининг тола ҳосилдорлиги кам эканлигидир. Шунинг учун, республикамиз ғўза генофондидаги мавжуд маданий ва ёввойи турларга мансуб намуналардан турлараро интрогрессив ҳамда тур ичида композит дурагайлашга жалб этиш асосида тола ҳосилдорлиги юқори ва сифати тўқимачилик саноати талабларига мос бўлган ғўза навларини яратиш борасидаги тадқиқотларни кенгайтириш талаб этилади. Ғўзанинг генетик жиҳатдан бойитилган янги

¹ <https://www.indexmundi.com/agriculture>

² <https://icacdatabook.de.r.appspot.com/DataPortal/ChartsDetails?subGroupKey=SGK0001&chartKey=CHR0004>

³ <https://www.agro.uz/wp-content/uploads/2024/03/agriculture-annual-report-2023.pdf>

бошланғич ашёларини яратиш услубларини такомиллаштириш ҳамда дурагайлар, тизмалар ва навлардаги биотик ва абиотик омилларга чидамликни бошқарувчи генларнинг ўзаро таъсирини ҳар томонлама баҳолаш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5853-сон⁴ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон Фармонлари⁵, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 январдаги "Пахта хом ашёси етиштирувчилар фаолиятини янада қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-23-сонли қарори⁶ ва 2023 йил 15 декабрдаги "Пахтачиликда уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳамда пахта ҳосилдорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-391-сонли⁷ қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "Қишлоқ хўжалиги екинлари уруғчилигини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПҚ-106-сонли⁸ фармонларида ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. *G.hirsutum* L. турига мансуб ғўзанинг ёввойи ва маданий турларни турли усулларда чаптиришлар натижасида биотик ва абиотик омилларга бардошли, тезпишар, ҳосилдор, тола чиқими ва сифати юқорилиги бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Agricultural Research Service-United State Department of Agricultural (ARS-USDA-AҚШ), Institute of Cotton Research (ICR, CAAS), Chinese Academy of Agricultural Sciences (Хитой), Australian Cotton Research Institute (Австралия), Indian Central Institute for Cotton Research (Ҳиндистон), Cotton Research and Application Center (Туркия), Cotton Research Institute (CRI-Миср), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Дунёдаги кўплаб пахта етиштирувчи давлатларида турли дурагайлаш тизимларидан фойдаланган ҳолда, ғўза генофондидаги мавжуд ёввойи ва

⁴ <https://lex.uz/docs/4567334>

⁵ <https://lex.uz/docs/5841063>

⁶ <https://lex.uz/ru/docs/-6373130>

⁷ <https://lex.uz/docs/6694158>

⁸ <https://lex.uz/uz/docs/-5840120>

маданий турларга мансуб намуналарнинг донорлик хусусиятларини аниқлаш ҳамда яратилган турлараро дурагайларнинг цитологик ва генетик хусусиятларини ўрганиш орқали улардан амалий селекцияда самарали фойдаланиш борасида кенг изланишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Биринчилардан бўлиб, халқаро миқёсда диплоид *G.raimondii* Ulbr ғўза (Д геноми), Осиё ғўза (А геноми) ва тетраплоид ғўза (А/Д гуруҳи) геноми кетма-кетлигини аниқлаш ва хариталаш ишларини амалга ошириш орқали Хитойнинг тоғли худудларида тарқалган ғўзанинг 419 та ядро гермплазмасидан фойдаланиб, 12 та муҳитда 13 та тола белгиларининг кўрсаткичлари тўлиқ йиғилиб, тола чиқими, сифати, ўсиш даври ва бошқа белгиларининг геном бўйича ассоциатив таҳлили тизимли равишда амалга оширилган (Institute of Cotton Research (ICR, CAAS), Chinese Academy of Agricultural Sciences (Хитой)), шунингдек, глобал озик-овқат танқислигини ҳал этиш учун паст токсикликдаги пахта уруғи навларини яратиш ва пахта ҳосилдорлиги ва сифатини кўтариш ҳамда ғўзанинг қимматли хўжалик белгиларга эга навларини тезкор саралаш ва селекция жараёнини тезлаштириш учун молекуляр маркерлар ёрдамида селекция технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар амалга оширилган (Agricultural Research Service-United State Department of Agricultural (ARS-USDA-АҚШ))

Бугунги кунда ўтказилган изланишлар натижасида ғўзанинг турли касалликларга бардошли бўлган бошланғич шакллар ва навлар яратишда ғўза генофондида ноёб белги ва хусусиятларга эга бўлган кўплаб ёввойи турларга мансуб намуналардан, жумладан, диплоид ғўза турларидан *G.thurberi* Tod. Нинг вертициллёз вилтга ва гоммозга, гуллаш ва етилиш даврида курғоқчиликка, *G.davidsonii* Kell., *G.raimondii* Ulbr., *G.klotzschianum* Anders., санчиб-сўрувчи зараркунандаларга, *G.trilobum* Skovsted, *G.thurberi* Tod., *G.sturtianum* Will. - паст ҳароратга чидамлик каби хусусиятларига эга бошланғич ашёларидан фойдаланиб, турлараро дурагайлаш услуби орқали ғўзанинг генетик жиҳатдан бойитилган тезпишар, ҳосилдор, тола сифати ва чиқими юқори бўлган ноёб дурагайлари ва янги навларини яратилиб, амалий селекция жараёнига жалб этиш ҳамда уларни дурагайларда ирсийланиш, ўзгарувчанлик ва шаклланиш қонуниятларини аниқлаш борасида кўплаб изланишлар олиб борилмоқда

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда глобал иқлим ўзгариши шароитларига мос, касаллик ва зараркунандаларга бардошли ҳамда ҳосилдор навларни яратишда турли хил геномларга мансуб бўлган ёввойи ва ярим ёввойи намуналар иштирокидаги турлараро дурагайлаш борасидаги генетик-цитологик назарий тадқиқотлар асосида янги ғўза амалий селекция учун бошланғич манба ва навларни яратишда фойдаланиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, турлараро дурагайларда цитологик мониторинг олиб бориш борасида хорижлик олимлар Р.Д.Гадкари; С.Саха et al.; А.Сковстед, Fuguang Li, республикамиз олимлари Л.Г.Арутюнова ва бошқ.; Ж.А.Мусаев; А.А.Абдуллаев; К.Ф.Гесос; М.П.Пўлатов; Г.Э.Кулбоева; М.Ф.Санамьян; А.Муратов; Ҳ.Р.Содиқов, Ш.Э.Намазов; С.Ғ.Бобоев; Ф.Кушанов ва бошқалар, вертициллёз вилт (*Verticillium dahliae* Kleb.)га бардошлилик бўйича

республикамиз олимларидан Г.Губанов, Ф.Б.Войтеноқ., Л.Г.Артуёнова., К.Ф.Гесос., А.Н.Трибунский., Р.Г.Ким., А.И.Марупов., С.С.Алиходжаева, С.Мирахмедов, А.Шеримбетов ва З.Қодировалар, гармселга бардошлилик бўйича С.Рахмонқулов назарий ва амалий тадқиқотларни амалга оширганлар.

Ўзда хромосомалари алмашган линияларни яратиш усули ишлаб чиқилган бўлиб, унинг барча босқичлари "бир валентли силжиш"нинг олдини олиш мақсадида цитогенетик ва молекуляр-генетик маркерлар (SSR) ёрдамида идентификация қилиш орқали, турлараро дурагай ўсимликларни чатишиши ва ҳосил бўлиш даражасининг пасайиши чатиштирилган турларнинг ўзига хос хусусиятлари ва муайян хромосомалардаги етишмовчиликлар билан боғлиқлиги аниқланган ҳамда мазкур айрим чатиштиришларда дурагай уруғларининг унувчанлик қобилятининг пасайиши эса унувчанликнинг камайиши ва гапло-дефицитли дурагай ўсимликларнинг ривожланиши билан изоҳланиши айтиб ўтилган (М.Ф.Санамян, Ш.У.Бобоҳўжаев, Ш.С.Абдукаримов, А.Х.Макамов, О.Г.Силкова).

М.П.Пўлатов, Ш.Э.Намазов ва С.Ғ.Бобоевларнинг тадқиқотларида ўзанинг 3-4-5 та турларини мураккаб чатиштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотларида (*G.hirsutum*, *G.barbadense*, *G.thurberi* Tod., *G.raimondii* Ulbr. ва *G.arboreum* L.) бир қатор янги турлараро тизмалар, оилалар ва ўза навлари яратилган бўлиб, улар амалий ўза селекцияси борасидаги тадқиқотларда бошланғич ашё сифатида хизмат қила олиши мумкинлиги исботланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ўзанинг генетик жиҳатдан бойитилган янги бошланғич ашёларидаги хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, шаклланишини турли дурагайлаш тизимида ўрганиш ҳамда турли белгиларни назорат этувчи генларнинг ўзаро таъсирини ҳар томонлама баҳолаш долзарб ҳисобланади.

Шунинг учун, тадқиқотларимиз турлараро чатиштириш орқали яратилган генетик жиҳатдан бойитилган янги ўза тизмаларининг хўжалик учун қимматли белгилари генетик ва цитологик жиҳатдан баҳо бериш, вилтнинг турли агрессив ирқларига лаборатория ва табиий шароитда баҳолаш, глобал иқлим ўзгариши шароитига мослашган рекомбинантларни аниқлаш ҳамда мураккаб дурагайларнинг юқори авлодларида белгиларнинг ўзгарувчанлиги ва шаклланишини ўрганишга қаратилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари дастуридаги ВА-КХФ-5-027 «Турли дурагайлаш тизимлари асосида яратилган янги ўза тизмалари ва навларининг қимматли хўжалик белгилари бўйича донорлик қобилятлари ҳамда биотик омилларга бардошлилигининг генетик ва биокимёвий механизмларини аниқлаш» мавзусидаги фундаментал (2017-2020 йй.) ҳамда АЛ-442105902 «Интрогрессив селекция ҳамда композит дурагайлаш услублари орқали тола ҳосилдорлиги ва сифати юқори, вилтнинг агрессив ирқларига ва гармселга бардошли янги ўза

навларини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳалари (2022-2025 йй.) доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Турлараро дурагайлаш асосида яратилган интрогрессив ғўза генотипларини генетик, селекцион ва цитологик услублар ёрдамида баҳолаш орқали хўжалик учун қимматли белгилар ҳамда айрим абиотик ва биотик омилларга бардошлиликни мужассамлаштирган генотиби бойитилган янги селекцион ашёлар ва навлар яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

интрогрессив селекция ҳамда беккросс дурагайлаш услублари орқали яратилган ғўза тизмалари ҳамда улар иштирокидаги селекцион ашёларда асосий хўжалик учун қимматли белгиларнинг ўзгарувчанлиги, шаклланиши ҳамда барқарорлашув жараёнларини аниқлаш;

лаборатория ва дала шароитида селекцион ашёларни вилтнинг турли агрессив ирқларига бардошлилигини баҳолаш ҳамда андоза навларга нисбатан толерант бўлган бошланғич ашё ва донорларни яратиш ҳамда *Verticillium dahliae* ва *Fusarium* замбуруғ штампларини молекуляр-генетик идентификация қилиш орқали молекуляр филогениясини тузиш;

интрогрессив селекция ҳамда беккросс дурагайлаш услублари орқали яратилган селекцион ашёларнинг юқори ҳарорат ва гармселга бардошлилиги баҳолаш;

янги яратилган F₅-F₇ интрогрессив ғўза дурагайларида айрим хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, шаклланиши ва ўзаро корреляциясини ўрганиш ҳамда белгиларнинг ижобий мажмуасига эга рекомбинантларни ажратиш олиш;

юқори авлод интрогрессив ғўза тизмалари ва дурагайларининг цитологик мониторингини (спорадалар таҳлили, чанг хужайраларининг пуштлилик даражаси ва мейоз жараёнини) ўтказиш;

ғўзанинг хўжалик учун қимматли белгилари, тола ҳосилдорлиги ва сифати ҳамда вилтга бардошлилиги юқори бўлган бошланғич ашёлари, ноёб донорлар ҳамда навлар яратиш;

янги яратилган ғўза навлари ва тизмаларини навдорлик белгилари бўйича меъёрига етказиш ҳамда ишлаб чиқаришдаги майдонларини кенгайтириш учун навдорлиги юқори бўлган оригинал уруғларини тайёрлаш ва бирламчи уруғчилигини йўлга қўйиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида турли йилларда олинган селекцион оилалар ва тизмалари ҳамда уларни частиштиришдан яратилган айрим дурагай комбинациялардан фойдаланилади. Жумладан, Султон ғўза нави ва лабораторияда яратилган Т-4672-73/16, Т-4674-77/16, Т-4679-81/16, Т-4684-86/16, Т-138/16, Т-470/1/16, Т-95/16, Т-158/16, Т-200/16, Т-МВГ/16, Т-58/16, Т-1979/16, Т-175/248/16, Т-12/06/16, Т-4747-48/16, Т-БСГ/16, Т-588/16 интрогрессив ғўза тизмаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида турлараро дурагайлаш асосида яратилган генетик жиҳатдан бойитилган интрогрессив ғўза тизмаларининг қимматли хўжалик белгиларнинг шаклланиши ва трансгрессив ўзгарувчанлиги, айрим хўжалик учун қимматли белгилар ўртасидаги корреляцион боғлиқлар

ҳамда абиотик (юқори ҳарорат ва гармселга бардошлилиги) ва биотик (вилтнинг турли агрессив ирқларига лаборатория ва дала шароитида толерантлиги) омилларга бардошлилиги толанинг сифат кўрсаткичлари ҳамда чангчиларнинг пуштлилиги, мейотик индекси ва спорадалар таҳлили олинган.

Тадқиқотнинг усуллари Генетик-селекцион тадқиқотларда «Дала тажрибаларни ўтказиш услублари» (2007), С.П.Яковлев., Б.Н.Болдырихина (1979), *V.dahliae* патогенига бардошлилик Ф.Р.Войтенко (1973) услуби, цитологик тадқиқотлар З.П.Паушева (1988) ва М.Ф.Санамьян, Д.А.Мусаев (1990) услублари орқали ўтказилиб, “Sporada” ва “Pollen” дастурлари ёрдамида таҳлил қилинган, юқори ҳарорат ва табиий гармселга бардошлилиги фитопатологик ва генетик тажрибалар “Методика проведения опытов с хлопчатником”(1983), “Методы агрохимических анализов почв и растений” (1973) ҳамда Б.А.Доспехов (1985) услубида статистик кўрсаткичларнинг катта ва кичик танланмаларида ишловдан ўтказилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

интрогрессив селекция ва беккросс дурагайлаш услубларида олинган селекцион ашёларда хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ҳамда барқарорлашув қонуниятлари қиёсий таҳлил қилинган ва генотиби бойитилган қимматли ғўза навларини яратишда ҳар иккала усул самарадор эканлиги асосланган;

интрогрессив селекция орқали яратилган дурагайларни *V.dahliae* замбуруғи билан кучли зарарланган табиий муҳит ва лаборатория шароитида ўрганиш орқали вилтга бардошли генотипларни танлаш имконияти юқори бўлиши аниқланган;

Verticillium dahliae ва *Fusarium* туркуми замбуруғларининг штамми молекуляр-генетик усулда идентификация қилиниб, NCBI маълумотлар базасига киритилган, натижада фитопатоген микроорганизмларнинг молекуляр филогенияси тузилган;

- интрогрессив селекция ҳамда беккросс дурагайлаш услубларининг юқори ҳарорат ва гармселга бардошли селекцион ашёларни яратишдаги самарадорлиги аниқланган;

-интрогрессив ғўза тизмалари ҳамда юқори авлод дурагайларида спорогенез, чанг хўжайраларининг пуштлилик даражаси ва мейоз жараёнларининг цитологик жиҳатлари ўрганилган ва юқори пуштлиликка таъсир қилувчи цитогенетик омиллар асосланган;

- интрогрессив дурагайлаш услубини қўллаш орқали хўжалик учун қимматли белгилари, тола ҳосилдорлиги ва сифати ҳамда айрим абиотик (вилт) ва биотик (юқори ҳарорат, гармсел)га бардошлиликнинг ижобий мажмуасига эга селекцион ашёлар (ноёб донорлар, тизмалар ва навлар) яратиш самарали бўлиши исботланган;

интрогрессив дурагайлаш услуби орқали генотиби бойитилган ноёб интрогрессив ғўза оилалари, тизмалари ва С-7316, С-7320, С-7322, С-7324 навлари яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари.

интрогрессив дурагайлаш услуби орқали генотиби бойитилган ноёб

интрогрессив ғўза оилалари, тизмалари ва С-7316, С-7320, С-7322, С-7324 навлари яратилган, навдорлик белгилари меъёрига етказилган ҳамда ишлаб чиқаришдаги майдонларини кенгайтириш учун навдорлиги юқори бўлган оригинал уруғлари тайёрланган;

қимматли хўжалик белгиларнинг юқори мажмуасига эга, биотик ва абиотик омилларга бардошли, юқори ҳосилдор, тезпишар ва тола чиқими юқори бўлган, институтнинг катта нав синовидаги Т-7295 тизмаси, кичик нав синовидаги Т-7296 тизмаси ва Республиканинг турли тупроқ-иқлим шароитида синалаётган янги Т-4684-86/16, Т-95/16хС, Т-7292, Т-470/1/16 х С, Т-200/16 х С, Т-2829-31/22, Т-3101-04/22, Т-3791-94/22, Т-4171-74/22, Т-5136-39/22 тизмалари ҳамда ўрта толали С-7316, С-7320, С-7322, С-7324 ғўза нави яратилиб, андоза С-6524 навиға нисбатан айрим қимматли хўжалик белгилари бўйича устунликни намоён қилган ҳамда кейинги амалий селекция жараёнида фойдаланиш учун бошланғич ашё сифатида тавсия қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўтказилган дала ва лаборатория тажрибалари ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий Маркази томонидан олиб борилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, замонавий ва статистик усуллар ҳамда назарий ва амалий маълумотларга ёндашувлар, кўп йиллик тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғри қўйилганлиги, олинган назарий ва амалий натижаларнинг дунё ҳамда мамлакатимиз олимлари тадқиқот ишлари билан таққосланганлиги ва бирламчи ҳужжатларнинг мавжудлиги, тадқиқот натижалари республика, халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, илмий нашрларда чоп этилганлиги ҳамда натижалари амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотлар натижаларнинг илмий аҳамияти интрогрессив селекция дурагайлаш орқали яратилган янги генетик конструкцияга эга селекцион ашёларнинг цитологик таҳлили асосида мейознинг метафаза-І босқичида нормал ёпиқ бивалентлар билан бир қаторда очик бивалентлар пайдо бўлиши натижасида цитогенетик жиҳатдан барқарор, яъни, нормал (>99%) тетрадалар ва пуштлилиқ (>97%) даражасига эга оила ва тизмаларнинг пайдо бўлиши, ҳамда вилтнинг турли ирқларига бардошли *V.dahliae* замбуруғи билан кучли зарарланган табиий муҳит ва лаборатория шароитида ўрганиш орқали вилтга бардошли генотипларни танлаш имконияти юқори бўлиши ва *Verticillium dahliae* ва *Fusarium* туркуми замбуруғларининг штамми молекуляр-генетик усулда идентификация қилиш орқали NCBI маълумотлар базасини шакллантириш натижасида фитопатоген микроорганизмларнинг молекуляр филогенияси тузилганлиги билан ифодаланади.

Диссертация ишининг амалий аҳамияти интрогрессив селекция ҳамда беккросс ғўза дурагайларида хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ҳамда барқарорлашув қонуниятларини ўрганиш асосида хўжалик учун қимматли белгилари, тола ҳосилдорлиги ва сифати ҳамда айрим абиотик (вилт) ва биотик (юқори ҳарорат, гармсел)га бардошлиликнинг ижобий мажмуасига эга янги Т-4684-86/16, Т-95/16хС, Т-

7292, Т-470/1/16 х С, Т-200/16 х С, Т-2829-31/22, Т-3101-04/22, Т-3791-94/22, Т-4171-74/22, Т-5136-39/22, Т-7295, Т-7296 тизмалари ҳамда ўрта толали С-7316, С-7320, С-7322, С-7324 ғўза нави яратилиб, ишлаб чиқаришдаги майдонларини кенгайтириш учун навдорлиги юқори бўлган оригинал уруғлари тайёрланган ҳолда кейинги амалий селекция жараёнида фойдаланиш учун бошланғич ашё сифатида тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Генотипи бойитилган ғўза навларини яратишда интрогрессив селекция ва цитогенетик услублардан фойдаланишнинг самарадорлиги мавзусида олиб борилган тадқиқотлар натижасида:

интрогрессив дурагайлаш асосида яратилган қимматли хўжалик белгиларининг юқори умумий мажмуига эга ўрта толали ғўзанинг янги Т-2829-31/22, Т-3101-04/22, Т-3791-94/22 Т-4171-74/22, Т-5136-39/22 тизмалари яратилиб, Тошкент вилоятида жойлашган Оққўрғон илмий тажриба станциясида 1,0 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 21 декабрдаги 05/01-05/02-05/04-03-428-сонли маълумотномаси). Натижада, республика миқёсидаги мавжуд ғўза генофонди тезпишарлиги 112-118 кун, бир дона кўсақдаги пахта вазни 5,7-6,7 грамм, тола чиқими 39,0-43,0 фоиз, тола сифати IV саноат тип, ҳосилдорлик 39,0-44,2 ц/гани ташкил этган ҳолда назорат С-6524 навига нисбатан кўшимча 7,0-8,0 центнердан юқори ҳосилдорликга эришилиб, юқори иқтисодий самарадорликка эга бўлган бошланғич ашёлар билан бойитилган;

қимматли хўжалик белгиларининг ижобий мажмуига эга ўрта толали ғўзанинг “С-7322” нави Тошкент вилоятида жойлашган Оққўрғон илмий тажриба станциясида 1,5 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 21 декабрдаги 05/01-05/02-05/04-03-428-сонли маълумотномаси). Натижада, мазкур навнинг тезпишарлиги 114-116 кунни, битта кўсақдаги пахта вазни 6,0-6,2 г, тола чиқими 39,0-40,0%, микронейр кўрсаткичи 4,3-4,4, толанинг узунлиги 34,0-35,0 мм, толанинг узилиш кучи 37,0 гк/текс, тола сифати IV тип, *V.dahliae* замбуруғи ва турли зарақунандаларга бардошли, пахта ҳосилдорлиги 41,0 ц/га ни ташкил этиб, андоза С-6524 навига нисбатан 4,0-6,5 ц/га юқори ҳосил олиниб, юқори иқтисодий самарадорликка эришилган;

ўрта толали ғўзанинг янги Т-4684-86/16, Т-7292 ва Т-95/16хС тизмалари Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққаъла туманидаги ғўза уруғчилигига ихтисослашган фермер хўжалигида 2,0 гектар майдонда жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2025 йил 4 январдаги № 01-05-013-сонли маълумотномаси). Натижада, экстремал тупроқ-иқлим шароитига мос тизмалар яратилиб, тезпишарлиги 114-118 кун, бир дона кўсақдаги пахта вазни 5,8-6,5 грамм, тола чиқими 39,2-43,2 фоиз, тола сифати IV саноат тип, ҳосилдорлик 40,0-44,2 ц/гани ташкил этган ҳолда назорат (С-4727) га нисбатан кўшимча 7,0-9,0 центнер юқори ҳосил олиш имконини берган;

экстремал тупроқ-иқлим шароитига мос, қимматли хўжалик белгиларининг ижобий мажмуига янги ўрта толали ғўзанинг “С-7320” навини Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққаъла туманидаги ғўза уруғчилигига ихтисослашган фермер хўжаликлида 1,2 гектар майдонида жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2025 йил 4 январдаги №01-05-013-сонли маълумотномаси). Натижада, Республиканинг шимолий шўрланган худудларига мос, ўртача пахта ҳосилдорлиги 40,2 ц/га, мазкур туманда экилаётган андоза С-4727 навга нисбатан 7,0-7,5 ц/га юқори ҳосилдорликка эга, тезпишарлиги 115-116 кун, битта кўсақдаги пахта вазни 6,4-6,5 г, тола чиқими 39,0-40,0%, микронеёр кўрсаткичи 4,3-4,4, толанинг узунлиги 35,0-36,0 мм, толанинг узилиш кучи 34,0 гс/текс, тола сифати IV-типга тўлиқ жавоб берадиган ҳамда *V.dahliae* касаллиги ва турли заракунандаларга бардошлилиги юқорилиги аниқланиб иқтисодий самарадорликка эришилган;

интрогрессив дурагайлаш усули асосида яратилган ўрта толали С-7324 ғўза нави Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққаъла туманида 3,5 гектар майдонда жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2025 йил 4 январдаги №01-05-013-сонли маълумотномаси). Натижада, Республиканинг турли тупроқ-иқлим шароитларига мос ҳамда қимматли хўжалик белгиларининг юқори мажмуасига эга, тола сифати тўлиқ IV тип талабларига жавоб берадиган нав билан ғўза генофондини бойитиш имконияти яратилган ҳолда ҳар гектардан пахта ҳосилдорлиги ўртача 40,0 ц/га ни ташкил этиб, мазкур туманда экилаётган андоза С-4727 навга нисбатан 6,5-7,0 ц/га кўпроқ ҳосил олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та, жумладан 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган, 2 та патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 196 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий

аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Вўзанинг генетик-селекцион изланишларда олиб борилган тадқиқотлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида турли генеалогияга эга ўўза дурагайлари асосида қимматли селекцион ашёларни яратиш мавзуси юзасидан сўнгги йилларда республикамиз ва хорижда олиб борилган илмий-тадқиқотлар шарҳи келтирилган. Жумладан, етакчи олимларнинг интрогрессив дурагайлارни цитологик жиҳатларини ўрганиш ҳамда генетик ва селекцион изланишлари асосида айрим хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиши бўйича олган илмий натижалари ҳамда қўлланилган услубларнинг афзалликлари ва камчиликлари батафсил таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказилган жой ва унинг шароити, тадқиқот манбаи ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида олиб борилган тадқиқотларнинг манбаи ва уларнинг тавсифлари ҳамда келиб чиқиши, тадқиқот ўтказиш услуби ва усуллари, тажриба олиб бориш жойи, шароити ва агротехник тадбирлари, лаборатория ва дала шароитларида изланишларни амалга ошириш, олинган натижаларни таҳлил қилишда қўлланилган статистик услублар каби маълумотлар баён қилинган. Жумладан, тажрибалар 2017-2024 йилларда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтининг **“Вўза генетикаси ва цитологияси”** лабораториясида олиб борилганлиги ҳамда амалга оширилган цитологик, генетик ва селекцион тадқиқотларнинг математик ва статистик таҳлиллари қабул қилинган услублар асосида амалга оширилгани баён қилинган.

Диссертациянинг **“Юқори авлод интрогрессив ўўза тизмалари ва дурагайлари цитологик мониторинги”** деб номланган учинчи бобида юқори авлод дурагайларида цитологик тадқиқотларнинг натижалари келтирилган бўлиб, мазкур бобда F_5 - F_7 дурагайларида пуштлилиқ даражасининг ўзгарувчанлиги, спорадалар тахлили ва ўўза хромосомаларини таҳлил қилиш асосида мейотик индекс ва хромосома конюгацияси каби муҳим цитогенетик таҳлиллар натижалари келтирилган. Тадқиқотлар асосида юқори авлод селекцион ашёлари цитогенетик мониторинг қилиш орқали дурагай комбинацияларнинг авлодларининг ошиши генетик материалнинг турғунлашиши билан бир қаторда цитогенетик хусусиятларининг яхшиланишига олиб келиши тасдиқланди.

Учинчи бобнинг биринчи **“Интрогрессив ўўза тизмаларидан олинган F_5 - F_7 дурагайларида пуштлилиқ даражасининг ўзгарувчанлиги”** қисмида юқори авлод дурагайлари цитогенетик мониторинг чангдондан олинган чанг хужайраларини пуштлилиги таҳлил қилинган бўлиб, таҳлил натижаларига кўра F_5 дурагайларида чангчаларнинг пуштлилиги 90,09% дан 97,67% гача, F_6 дурагайларида ўртача пуштлилиқ даражаси 72,89 % дан 98,39 % гача ва F_7 дурагайларида ўртача пуштлилиқ даражаси 85,83 % дан 98,11 % гача бўлганли аниқланган бўлиб, селекцион ашёлар орасидан F_7 даврига келиб бир қатор пуштлилиқ даражасини ошишига олиб келди. Жумладан 2023 йилда олиб борилган тажрибаларда 7 та

оилада пуштлилик даражаси паст бўлган бўлса жорий 2024 йилга келиб пуштциз оилалар 3 тани ташкил етди. Шунингдек пуштлилиги паст бўлган селекцион ашёлар 2024 йига келиб маълум даражада юқори пуштлиликни намоён қилганлиги тадқиқотларда ўз аксини топди. Бунга асосиб сабаб, юқори ижобий пуштлиликга ега ижобий популяцияларни танлаш орқали еришилганлигини айтиб ўтиш жоиз. Тадқиқотлар натижасида F₇T-200/16 х Султон, F₇T-1979/16 х Султон, F₇ T-4747-48/16 х Султон, F₇T-4679-81/16 х Султон селекцион ашёсининг А ва Б оилаларини бошқа селекцион ашёларга қараганда юқори пуштлилик даражасини намоён қилганлиги сабабли ишлаб чиқаришга жорий етишга тавсия этилган.

Учинчи бобнинг иккинчи “Интрогрессив ғўза тизмаларидан олинган F₅-F₇ дурагайларда тетрадалар таҳлили” қисмида мейотик бўлиниш натижасида юзага келувчи ҳамда асосан мейозни турғунлигини белгилашда қўлланиладиган тетрадалар таҳлили натижалари келтирилган. Тадқиқот натижаларига кўра юқори авлод дурагайларда мейотик индекси турғун бўлиб, хромосома конюгацияси нормол кечганлигидан даълолат беради. Жумладан, F₅ дурагайларнинг тетрада таҳлил натижаларига кўра мейотик индекси ўртача 96,52 % дан 98,97% гача, F₆ дурагайларда 96,50 % дан 99,02 % гача ва F₇ дурагайларда 96,10 % дан 98,87 % гача бўлиб, барча дурагайлар юқори турғунликни намоён қилди.

Учинчи бобнинг учинчи “Юқори авлод интрогрессив селекцион ашёларида мейоз жараёнининг таҳлили” қисмида ғўза хромосомасидаги метафаза 2 босқичида содир бўладиган конюгация жараёнида очик бивалент, ёпиқ бивалент, унивалент ва квадривалент хужайралари таҳлил қилинган бўлиб, бунга асосий сабаб чатиштиришда иштирок этган шакл ва турларнинг ўхшашлиги ёки фарқланиши хақида мейознинг метафаза-II босқичидаги конъюгатсияланаётган хромосомалар сони бўйича хулоса қилишдан иборат. Тадқиқот натижаларига кўра чатиштириш комбинацияларининг дурагай ўсимликларида хромосомаларнинг квадривалент ассотсиациясини шаклланиши учрамаганлиги ота-она шаклларидаги хромосомалар тўплами фарқланишида транслокатсия мавжуд эмаслигини билдиради. Очик бивалентларни ва унивалент хромосомаларни мавжудлиги чатиштирилаётган шаклларнинг хромосомаларида яширин структуравий ўзгаришлар борлигини кўрсатди.

Диссертациянинг **“Интрогрессив тизмалар ва улар иштирокида яратилган дурагайларда хўжалик учун қимматли белгилар бўйича тадқиқот натижаларининг таҳлили”** деб номланган тўртинчи бобида интрогрессив селекция усули орқали янги яратилган ғўза тизмалари ва дурагайларининг тезпишарлиги, хўжалик учун қимматли белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги улар ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар ва тизма ва оилаларнинг толасининг сифат кўрсаткичлари бўйича таҳлиллар натижалари келтирилган бўлиб, Генотипи бойитилган ғўза навларини яратишда интрогрессив селекция усулининг юқори самарадорлиги аниқланганлиги ва қимматли хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлиги F₇ авлодга келиб, ижобий рекомбинантларнинг ажралиши ошиб ўзгарувчанлик амплитудасининг

камайишига олиб келганлиги илмий асосланган.

Мазкур бобнинг биринчи “Интрогрессив тизмалар ва улар иштирокида олинган F₅-F₇ дурагайларида тезпишарликнинг ўзгарувчанлиги” қисмида интрогрессив дурагайлаш услуби орқали яратилган ғўза тизмалари ҳамда дурагайларида тезпишарликнинг ўзгарувчанлиги бўйича тадқиқот натижалари келтирилган бўлиб, тадқиқот натижаларига кўра F₇ авлодга келиб тизмаларнинг тезпишарлиги 117,4 кундан (F₇T-200/16 х Султон) 122,4 кунгача (F₇T-4684-86/16 х Султон) бўлиб, андоза С-6524 ғўза навидан 2-3 кунгача тезпишарлиги аниқланган. Шунингдек, тезпишар ашёларни олишда интрогрессив дурагайлаш орқали яратилган F₇T-138/16 х Султон, F₇T-470/1/16 х Султон, F₇T-158/16 х Султон, F₇T-200/16 х Султон ва F₇T-58/16 х Султон селекцион ашёларидан фойдаланиш юқори самарадорлиги аниқланиб, тезпишар навларни яратишда бошланғич ашёлар сифатида тавсия этилган ҳамда тизма ва навларнинг тезпишарлиги ташқи мухит омиллари ва агротехник тадбирлар билан бир қаторда келиб чиқишига узвий боғлиқлиги хулоса қилинган.

Мазкур бобнинг иккинчи “Интрогрессив тизмалар ва улар иштирокида яратилган F₅-F₇ дурагайларда қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги” қисмида турлараро чапиштириш орқали олинган интрогрессив тизмалар ва улар иштирокида яратилган F₅-F₇ дурагайларда тола чиқими, тола узунлиги ва бир дона кўсакдаги пахта вазни каби қимматли хўжалик белгилари тахлил қилинган бўлиб, юқори авлодга қараб белгиларнинг вариацион қаторида ижобий рекомбинантлар ажралиб чиқиши ортиб, ўзгарувчанлик коэффиценти камайиб тизмаларнинг турғунлиги ошганлиги тахлил қилинган. Жумладан, тола чиқимининг ўзгарувчанлиги тахлил қилинганда F₆ авлодда ўзгарувчанлик қаторида тола чиқими 39-41 % ли гуруҳида 23,89%, тола чиқими 41-43 %ли гуруҳида 12,66% ни, тола чиқими 43-45% ли гуруҳида 8% ли ижобий рекомбинантлар ажралганлиги ва бу кўрсаткичла F₇ авлодига келиб ошганлигини кўришимиз мумкин. Тадқиқотлар натижасида тола чиқими 40% дан юқори бўлган F₇T-4679-81/16 х Султон, F₇T-4672-73/16 х Султон, F₇T-4674-77/16 х Султон, F₇T-470/1/16 х Султон, F₇T-138/16 х Султон, F₇T-95/16 х Султон, F₇T-158/16 х Султон, F₇T-200/16 х Султон, F₇T-175/248/16 х Султон селекцион ашёлар тола чиқими бўйича, тола узунлиги 34,0 мм дан юқори бўлган F₇T-158/16 х Султон 34,0 мм F₇T-MVG-2/16 х Султон 34,2 мм, F₇T-588/16 х Султон 34,1 мм, F₇T-58/16 х Султон 34,9 мм, F₇T-1979/16 х Султон 36,3 мм селекцион ашёлар тола узунлиги бўйича ва бир дона кўсакдаги пахта вазни бўйича 6,0 граммдан юқори бўлган F₇T-4672-73/16 х Султон, F₇T-95/16 х Султон, F₇T-158/16 х Султон, F₇T-МВГ/16 х Султон, F₇T-12/06/16 х Султон, F₇T-1979/16 х Султон, F₇T-БСГ-2/06/16 х Султон, F₇T-588/16 х Султон ва F₇T-4747-48/16 х Султон селекцион ашёлар селекцион тадқиқотларга бошланғич ашё сифатида жалб қилиниб, қимматли хўжалик белгиларининг комплекс белгилари бўйича F₇T-4674-77/16 х Султон, F₇T-МВГ-2/16 х Султон, F₇T-158/16 х Султон, F₇T-1979/16 х Султон, F₇T-58/16 х Султон, F₇T-175/248/16 х Султон ва F₇T-588/16 х Султон дурагай комбинациялари ва улардан олинган оилалар амалий селекция учун бошланғич манбаа бўлиб

хизмат қилиши аниқланган.

Мазкур бобнинг учинчи “Интрогрессив тизмаларнинг гармселга бардошлилиги бўйича тадқиқот натижалари” қисмида интрогрессив тизмаларни Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлим шароитида табиий гармсел бардошлилиги таҳлил қилинган бўлиб, тадқиқотларда ҳосил олган бўғин сони, ҳосил шохи, ҳосил элементлар сони, шундан кўсаклар сони ва очилган кўсаклар бўйича морфохўжалик белгиларини таҳлиллари келтирилган бўлиб, Тадқиқотларга F₃₃K-69 тип *arbareum*, БСГ/16, F₅Л-175/248 х Жаркўрғон ва F₂₅ К-58 тип *arbareum* интрогрессив тизмалари жалб қилинган ва тадқиқот ишлари 3 қайтариқда олиб борилган. Таҳлил натижаларига кўра интрогрессив тизмаларни абиотик омилларга бардошлилигини ўрганиш асосида БСГ/2/16 тизмаси юқори ҳарорат гармселга юқори даражада бардошлилиги аниқланган. Бунга асосий сабаб тизманинг келиб чиқишида ёввойи рудеал формаларнинг мавжудлигидадир.

